

Меҳрни ҳис этадиган фақат биз эмас



14:00 / 24.08.2022 2078

Расмга олган киши айтяпти: «Машина ойнасини бир маймун таққиллатди, оч қолгани сезилиб турарди, унга апельсин бердим, кетди. Бироз кузатиб турсам, бошқа маймуннинг олдига бориб, гўё менинг апельсин тарқатаётганим ҳақида хабар берди. Шериги ёнимга келди.

Ажабланарлиси шундаки, апельсинни олгач, гўё ташаккур айтгандек менга шунақа табассум қилиб, жўнаб кетди. Шу ҳодисадан сўнг бу сайёрада меҳрни ҳис этадиган жонзот фақат биз эмаслигимизни, барча махлуқотлар ҳам биз каби ҳис этишини англадим».

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

«Ер юзидаги жонзот ва икки қаноти ила учадиган қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир. Китобга ҳеч нарсани қўймай, ёзганмиз. Сўнгра Робблари ҳузурига тўпланурлар» (Анъом сураси, 38-

оят).

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади